



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 6-iyun. Shanba 66 (31.969)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Хар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни

ЭНГ ТОЗА КЎЗ — БОЛАНИНГ КЎЗИ, ДЕЙИШАДИ. УНДА НА ГУБОР, НА ХАДИК, НА АРАЗ БОР. БУ КЎЗЛАРГА ФАҚАТ ТЕРМУЛМОҚ КЕРАК. АСЛИДА ХАР БИРИМИЗ БИР ВАҚТЛАР БОЛА БЎЛГАНМИЗ. ЁН-АТРОФИМИЗДАГИ ВОҚЕАЛАР, ЖУМБОҚЛАР ХАЙРАТИМИЗНИ ОШИРГАН. КЎП САВОЛ БЕРИБ, КАТТАЛАРНИ ҚИЙНАГАНМИЗ. БУГУН УЛГАЙИБ, НЕГАДИР ЎША БЕГУБОР САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРГИМИЗ КЕЛМАЙДИ.

Пойтахтимизнинг Фафур Гулом номидаги маданият ва истирохот боғи. ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Хар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шiori остида ўтказилган маданий-маърифий тадбир болажон-


ларни беҳад қувонтирди.

Қўркам боғнинг кенг саҳнаси болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.

— Бугунги байрамга келган барча болаларнинг кўзида қувонч, самимият кўрдим, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-

даги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Албатта, фарзандларимиз келажагимиз бунёдкори. Юртимизда улар ҳар томонлама билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун барча шароит яратилган.

▶ Давоми 2-бетда.



Фафур Гулом номидаги маданият ва истирохот боғи. ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Хар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шiori остида ўтказилган маданий-маърифий тадбир болажонларни беҳад қувонтирди.

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Сессияда қабул қилинган қарор

албатта ижро этилиши керак



Саïда ЖЎРАЕВА,
ЎзХДП Бухоро
вилоят кенгаши
раиси.

■ Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, кучли вакиллик ҳокимияти шаклланимдан туриб, жамият ҳаётини демократлаштириш мумкин эмас. Чунки вакиллик ҳокимияти фуқаролар хоҳиш-иродасини ифода этадиган, уларни амалга ошириш имконига эга муҳим институт ҳисобланади.

Бугун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда депутатлар фаоллигини кучайтириш давр талабига айланди. Бу борада уларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари кенгайтирилди. Бундан самарали фойдаланиш учун, аввало, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлишимиз, одамларнинг қайфияти ва фикрини ўрганиб боришимиз керак, албатта.

Тўғри, берилган ҳуқуқ ва ваколатлар кенг, лекин улардан самарали фойда-

ланиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади.

Бирор масалани доимий комиссия ёки сессия кун тартибига киритиш учун аввал уни чуқур таҳлил этиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш керак. Шундан сўнг муаммага бе-восита алоқадор ва масъул бўлган тегишли ташкилотларга сўров юбориш, унинг натижаларини умумлаштириш, керак пайтда уни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқиш зарур бўлади. Бу билан масала ҳал бўлди, деб ўйламаслик керак.

▶ Давоми 2-бетда.

Бир марта-лик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



ДЕПУТАТ УЧРАШУВДАН ҚАЙТДИ

Сайловчи кўтарган масала жавобсиз қолмаслиги зарур

Маълумки, жорий йил май ойининг охирига ҳафтасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Депутатларнинг қайд этишича, учрашувларда кўпга муҳим ижтимоий масалалар кўтарилган, фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бу таклифлар фракциянинг келгуси фаолияти йўналишларини янада аниқ белгилаб олишда долзарб аҳамиятга эга бўлади.

2 ➤

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»

— Келинг, биринчи қаторга ўтирамиз. Бугун жонли мулоқот бўлади. Менинг бир неча масалада саволларим бор. Шуларга жавоб ололмочиман.

— Хотин-қизларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам суҳбатлашар эканмиз. Келиним ишга жойлаштиришда баъзи қийинчиликларга учрабди. Шуни қандай ҳал қилиш тўғрисида билиб олади-ган бўлдим.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар бўлими томонидан пойтахтимизнинг Олмазор туманида ташкил этилган тадбир аввалида икки аёлнинг шу тахлит суҳбати эътиборимни тортди. «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур давра суҳбатида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири

Гулшан Асатова, Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова, Олмазор туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаммад Расулова, шунингдек, мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Аёлларнинг ташаббускорлиги, фаоллигини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш долзарб масала экани таъкидланди.

— Меҳнатга лаёқатли аҳоли муносиб ҳақ тўланадиган иш жойига эга бўлиши зарур, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Гулчехра Азизова. — Шунинг учун бандлик дастури ижроси устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайти-

риш талаб этилмоқда. Давра суҳбатида, шунингдек, ижтимоий нафақаларни тайинлашнинг янада самарали тизimini жорий этиш ҳақида ҳам сўз борди. Йиғилганлар айлани шу масалада кўпга саволлар билан мунозаара қилишди, фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Бундай давра суҳбатлари ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайловчи ШОТЛУГАНОВ олган сурат.

Эътироф

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар нуқтаи назаридан Ўзбекистон ноёб ва истиқболли мамлакат ҳисобланади. Республика кишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт сингари соҳаларда улкан салоҳиятларга эга. Бюджет, молия-банк ва кредит тизими, иқтисодиётнинг реал жабҳаларини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш бўйича ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ички ва ташқи бозорда рақобатбардорликни ошириш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва уни технологик жиҳатдан янгилаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Майкл Томас,
«Pathfinder Trade and Investment»
компанияси раиси.

XXI аср — ахборот технологиялари асри 3 ➤

Театрга кичкина саёҳат

Ёки Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри қачон мухлисларни ўз бағрига чорлайди?



4 ➤

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ХОҲЛАЙМАН!»



■ Бизга тинчлик керак, омонлик керак!

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг фаоллигини ошириш» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди. Унда ЎзХДП туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари, халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими раҳбари Солижон Кудратов қўшма йиғилишда парламент фаолиятининг ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда, камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида танқидий мулоҳазалар билдирилгани сиёсий партиялар фракциялари зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлади. Ҳудудий партия ташкилотлари парламентдаги партия фракциясининг таянчи экани, фракция фаолиятини жонлантириш учун, аввало, ҳудудий партия ташкилотлари ишчи тақомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратди.

— Электоратни қийнаётган, ечимини кутаётган муаммолар оз эмас, — деди ЎзХДП Сирдарё вилояти Кенгашининг раиси Алишер Ташматов. — Уларни ҳал қилиш учун партияимизнинг имкониятлари етарли. Парламент эшитувини ўтказишда, албатта, фракцияимиз депутатларнинг салоҳияти ва ҳаракати муҳим саналади. Парламентга олиб чиқилган масалалар, авваламбор, туман, шаҳар, вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳларида, доимий комиссиялар мажлисларида, сессияларда муҳокама қилинса, яхши самара беради.

Семинарда, шунингдек, ЎзХДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ҳаётхон Ортикбоева, вилоят адлия бошқармасининг масъул ходими Баходир Абдуллаев, Мирзабод туман Кенгаши депутати Муроджон Ҳайитовнинг маърузалари тингланди.

Ўқув-семинар якунида партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, муаммоларни чуқур ўрганиб, сессияларга киритиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни

ЎзХДП ҳам ўз дастурий мақсадларида ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига доир қатор вазифаларни илгари суради. Чунончи, тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, чекка ҳудудларда истикомат қилаётган болалар истеъдодини юзага чиқариш, уларнинг сифатли ва мақбул таълим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, ўз ташаббусларини ҳаётга татбиқ қилишлари амалий кўмак бериш каби муҳим вазифалар шулар жумласидандир. Ўйлаётганимиз, бу кунни болажонлар узоқ вақтгача хотирасида сақлаб юради...

Бугунги кунда болаларга эътибор, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, миллий қадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдиришда ота-она, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жараёнларда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, айниқса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва бokuвчисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиш муҳим аҳамиятга эга.

— Аслида фарзандларимизни, ёш авлоднинг ҳимоя қилиш замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш моҳияти ётади. Уларга кўрсатилаётган ҳар қандай ғамхўрлик эса юрт раънаки учун қўйлаётган мустақкам пойдевордир, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов. — Шунинг учун ҳам уларни Ватанга садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол авлод, эртанги кун тараққиёти ва тақдирига муносиб

хисса қўшадиган фарзандлар этиб тарбиялаш эзгу мақсадимиз, инсоний бурчимиздир. Ўшбу тadbирдан кўзлаганимиз ҳам ЎзХДП электорати бўлган — ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар фарзандларининг қалбига қувонч ва хурсандчилик улашиш, байрамога кайфият бағишлаш бўлди.

Рухона Умаржонова, Учтепа туманидаги 251-мактабнинг 2-синф ўқувчиси:
— Бугун ойиҷоним билан байрамни нишонлашга келдик. Кўп қизиқарли томошаларни кўрдим. Тенгдошларим билан турли аттракционларда ўчдик. Суратга тушдик. Шундай байрамлар доим бўлишини хоҳлайман.

Лайло Холматова, Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабнинг 2-синф ўқувчиси:
— Бугун роса рақога тушдик. Айтилган қўшиқлар менга жуда ёқди. Совғалар ҳам олдик...



Шундай болалар бор — олов каби шўх, шундай болалар бор — чўғ сингари яширин. Иккисини ҳам кучли шамолдан асрамоқ керак...

Ўшбу байрамни Чилонзор туманидаги 137-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Миржамол Қодиоров ҳеч қачон унутмасе керак. Унга ўша кунни замонавий

ногиронлар аравачаси топширилди. Энди у бемалол сайр қилиши, дўстлари билан ўрашиши, табиатдан баҳра олиши мумкин.

Тадбир давомида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тайёрланган совғалар кам таъминланган оилалар фарзандларига топширилди.

Кўнгли бир олам завққа тўлган болаларга термулиб, ҳаёлимиздан ёши улуг кишиларимизнинг ўғити ўтди:

Шундай болалар бор — олов каби шўх, шундай болалар бор — чўғ сингари яширин. Иккисини ҳам кучли шамолдан асрамоқ керак...

Бобур ЭЛМУРОВОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Феруза НАБИЕВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ходими.

ДЕПУТАТ УЧРАШУВДАН ҚАЙТДИ

Сайловчи кўтарган масала жавобсиз қолмаслиги зарур



Саттор РАҲМАТОВ, 119-Чироқчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тўғриси, олдинги қақирқиди учрашувларда сайловчилар асосан «Банкдан неча фоизга кредит олиш мумкин?», «Менга моддий ёрдам керак, бунинг учун кимга мурожаат қилишим лозим?», «Кредит ўз вақтида қайтарилмаса нима бўлади?» каби саволларни кўпроқ беришарди. Бу галги учрашувлар эса бошқача тарзда ўтди. Сайловчилар қонунлардаги ўзгаришлар, янги қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўрашди. Масалан, учрашувлар чоғида «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунларни шарҳлаб бердим. Бир сўз билан айтганда, сайловчиларнинг қонунчиликдан хабардорлиги, ҳуқуқий маданияти юксалаётгани учрашувларда яққол сезилди.

Яна бир гап. Учрашув-

лар давомида сайловчилар асосан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, кўпчилиكنи ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича мурожаат этишди. Очиги, бу мени жуда қувонтирди. Нимага десангиз, бир кишининг муаммосини ҳал қилиб бериш бошқача, катта бир ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган муаммони ҳар томонлама чуқур ўрганиб, уни ҳал этиш бутунлай бошқа масала.

Чироқчи тумани «Эски анҳор» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги учрашувлардан бирида сайловчилар тоза ичимлик суви билан боғлиқ масалани кўтаришди. Маълум бўлишича, «Ободон» қишлоғидан шифобахш минерал сув чиққан. Фақат ундан фойдаланиш учун шароит етарли эмас экан.

Биз ўз сайлов округимизга борганимизда аҳоли мурожаатлари асосида жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳам чуқур

ўргандик. Масалан, касб-хунар коллежлари фаолияти билан танишганимизда бир муаммо кузатилди. Гап шундаки, баъзи ҳудудлардаги касб-хунар коллежларида электр энергиясида узилишлар бўляпти. Бу коллежларда таълим сифатига салбий таъсир этмоқда. Оқибатда ўқувчиларнинг дарс жараёнида компьютердан, тикув машинасидан ҳамда касб ўргатувчи бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти чекланиб қолмоқда.

Биз депутатлар, ҳудудлардаги ислохотларга масъул кишилар, шунингдек, жойлардаги мутасадди раҳбарлар бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Бугун сайловчилар ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, нима тўғриси, нима нотўғрилигини чуқур тушунади. Сайловчилар учрашувларида бунга яна бир бор амин бўлганимиз.

Ҳозир сайловчилар парламент ислохотлари ва уларнинг маъно-мазмуни ҳамда аҳамиятини тушунади, ўзлари сайлаган депутатдан фақат амалий ишлар кутди, керак бўлса, талаб қилишни ҳам билади. Шунинг учун сайловчилар кўтарган масалалар, саволлар эртага жавобсиз қолиб кетмаслиги зарур. Биз шунга астойдил интилишимиз керак.



Баҳромжон ОБИДЖОНОВ, 96-Олтиариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Янги қабул қилинган қонунлар, айрим қонунларга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида кўп савол-жавоблар бўлди. Биз фуқаролардан тушган мурожаатлар орасидан жойларнинг ўзида ҳал бўладиган ижтимоий масалаларни ажратиб олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳал қилиш режалаштирган эдик. Шу боис сайлов округларида аҳолининг табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлик аҳоли, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг вақтида берилиши ҳамда тўлов терминаллари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдик. Учрашувларда ҳам айна масалалар бўйича кўплаб савол ва таклифлар тушди.

Масалан, Олтиариқ туман Марказий шифохонасидаги учрашувда касалхона ходимлари томонидан шошилиш тез табиий ёрдам бўлимига тез ёрдам машиналарига эҳтиёж борлиги айтилди.

Боғдод тумани «Самарқанд» қишлоғидаги учрашувда сайловчи Мўстабоб Тожиевнинг таъкидлашича, қишлоқ мактабида баскетбол майдончаси қурила бошланган, аммо қандайдир сабаблар билан охирига етказилмай қолган. Қурилиш ишлари давом эттирилиб, майдонча ишга туширилса, мактаб ўқувчиларининг спорт билан шуғулланиш имкониятлари кенгайган бўларди...

Умуман олганда, сайловчилар томонидан ижтимоий масалалар бўйича кўплаб таклифлар айтилди. Албатта, уларни ҳал этиш чораларини қўриш биз депутатларнинг асосий вазифамиз. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, замон ривожлангани сари талаб ва эҳтиёжлар ҳам ўзгариб бораверади. Айниқса, бозор иқтисодиёти янада ривожлантириш йўлидаги ислохотлар чуқурлашиб бораётган, янгича мезон ва тартиб-қоидалар юзага келаётган даврда турли масалалар пайдо бўлиши табиий жараёндир. Шундай экан, ҳар биримиз катъийлик кўрсатишимиз, тажрибамизни ошириб боришимиз, изланишдан тўтаслигимиз талаб этилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

СЎЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Сессияда қабул қилинган қарор албатта ижро этилиши керак

Сессия қарори ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳам талаб этилади. Бу депутатларнинг фаоллигини янада ошириш билан бирга электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Тан олиш керак, айрим депутатларда «масалани ўргандим, таклиф ишлаб чиқдим, доимий комиссия, сессия муҳокамасига олиб чиқдим, бўлди, вазифамни бажардим», деган кайфият бўлади. Лекин бугунги замон талаби билан қарайдиган бўлсак, депутат фақат масалани кўтариб чиқиш, уни муҳокамага қўйиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Негаки, муайян масаланинг сессияда қўриб чиқилиши унга ечим топилиди, дегани эмас. Чунки сессия қарори бўлишига қарамай, ўзига юклатилган вазифани бажармаётган корхона ва ташкилотлар ҳам бор. Шунинг учун ҳар бир масала, сессия қарори изчил назоратни талаб этади. Айтиш мумкинки, бу борада бизда етарлича тажриба тўпланган.

Олдинги қақирқиди фаолиятимизда биз сессияга масала киритиш, депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш имкониятларининг кенг фойдаланишга ҳаракат қилдик. Барча туманларда партияимиз гуруҳлари ташаббуси билан сессиялар кун тартибига электорат манфаатлари билан боғлиқ қатор масалалар киритилди. Мухими, ҳар бир кўтарилган масаланинг ҳал этилиши устидан катъий ва изчил депутатлик назорати ўрнатилди.

Масалан, 2014 йилнинг апрель ойида Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи сессияга «Бухоро шаҳрида автотранспорт ва пиёдалар ҳаракатида хавфсизликни таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш чоралари тўғрисида»ги масалани олиб чиқди. Сессия қабул қилган қарор, унда белгиланган вазифалар мутасадди идора-ташкилотлар томонидан ўз вақтида бажарилмади. Орадан бироз вақт ўтиб, ўшбу масала яна сессияда қўриб чиқилди. Шу тариқа вилоят Кенгаши сессиясида қабул қилинган қарор ижроси бўйича идора-ташкилотларнинг масъулияти кучайтирилди. Натижада Бухоро шаҳридаги қатор йўналишдаги таксилар ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талабларига мувофиқ тарзда йўлга қўйилди. Ноқонуний ҳаракатланаётган таксилар фаолияти тўхтатилди. Худудда 52 та янги оралиқ бекат қурилди, яна 102 та бекат қурилиши режага киритилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги партияимиз гуруҳи томонидан ўтган йили қатор муҳим масалалар устидан назорат ўрнатилди. Мактабгача таълим муассасалари фаолияти, шаҳардаги туғуруқ комплекслари аҳоли ўрганиб чиқилиб, бирин-кетин шаҳар Кенгаши сессиялари муҳокамасига киритилди.

Боғчалар, мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ масала барча туманларда ЎзХДП гуруҳлари томонидан сессияларга олиб чиқилиб, тизимдаги камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Сессия қарорлари устидан депутатлик назорати кучайтирилди.

Шу ўринда айтиш керакки, бирон муҳим масалани ўрганиш, сессиялар муҳокамасига олиб чиқиб, муҳокама қилишдан мақсад кимнидир айбдор қилиб кўрсатиш эмас, балки одамларни ўйлантириб келаётган муаммога эътиборни қўйиш ва уни ҳал этиш йўллари биргаликда излашдан иборат. Бунинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини депутатлар ҳам, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳам чуқур тушуниб етмоқда.

Бирон ҳудудда маълум соҳада муаммо юзага келса, бундан одамлар зиён кўрса, унинг масъулияти биринчилардан бўлиб ўша ҳудуд аҳолиси ишонч билдирган депутатлар зиммасига тушади. Шундай экан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларининг қарорларига масъулият билан ёндашилмоғи зарур, деб ўйлайман.

- ЎзХДП ташкилотларининг ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган ишлари ҳақида нима дейиш мумкин? ЎзХДП ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишда ижтимоий шерикчилик қандай аҳамиятга эга бўляпти? Партияимиз тизимида ижтимоий шерикчилик муносабатларини мустақамлаш мақсадида қандай ишлар режалаштирилди?
- Мазкур саволларга ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар БОБОХОНОВнинг жавобларини кутамиз.
- Бу ҳақдаги мақола газетамизнинг жорий йил 11 июнь сонида чоп этилиши режалаштирилган.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015» КўРИҚ-ТАНЛОВИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ КўТАРИНГКИ РУҲДА ЎТДИ.



НАМАНГАНДА ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ВИЛОЯТ БўЛИМИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ. СўНГРА ПАРТИЯНИНГ БИР ГУРУҲ ЁШ ФАОЛЛАРИ 26-МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ВА ЁШИ УЛУФ КЕКСАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШДИ.



■ **ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ**
ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА
УЧУН ҲАР **10** МИНГ АҲО
ШИ КЕРАК. ЎЗБЕКИСТОН
ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАМ ҲА

шизм бұтунлай таслим бұлганылиг
хақидаги протокол имзоланган
мағлұбият сифатида эмас, балки
озодлик куни, деб хисобларкан
Урушдаги йўқотишлар, қурбонла
хақида ҳам хозирги ёшлар деярли
маълумотга эга эмас. 18 фоиз иш
тирокчигина бу борада аниқ маъ
лумот айта олган.

■ **ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ**
ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА
УЧУН ҲАР **10** МИНГ АҲО
ШИ КЕРАК. ЎЗБЕКИСТОН
ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАМ ҲА

Театрга кичкина саёҳат

Ёки Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри қачон мухлисларни ўз бағрига чорлайди?

■ Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ўзига хос меъморий ечимини, салоҳияти, шарқона жазибаси билан кишини мафтун этади. Ўзбекистонга келган хорижий меҳмонлар бошқа тарихий обидалар қаторида, албатта, бу муҳташам кошонани томоша қилиб, завқ оладилар.

Маълумки, театрда 2012 йилдан буён таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Театр яқинига келиб кузатсангиз, иш қизгин кетаётганига гувоҳ бўласиз. Мана, бир гуруҳ қурувчилар йўлларни таъмирлаётган, усталар кўтарма кранлар ёрдамида бино пештоқидаги ўймакорлик билан ишланган мраморларга жило берапти. Яна бир томонда ганчкорлик санъати намуналари устидан латун маҳсулотидан тайёрланган олтин рангли қоплама ўрнатилган.

Театр бош муҳандиси Қобилжон Собиржонов таъмир ишлари давом этаётган майдонда, қурувчилар билан ниянидаир қизгин муҳокама қилаётган пайтда учратдик.

— Биз учун таъмирлаш сифати биринчи ўринда туради, — деди у. — Шунинг учун ҳар битта бажарилган ишни муҳокама қилиб, камчиликларни жойида бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

— Нима ўзгаришлар, қандай янгилликлар бўляпти? — сўрайман бош муҳандисдан.

— Юринг, сиз учун кичкинагина саёҳат уюштирамиз, — деди у қулиб. — Чунки бажарилаётган ишларни ўз кўзи билан кўрган одамда тасаввур бошқача бўлади.

Мана буларни кўрапсизми? — деди бош муҳандис бионинг тўқ жигарранг гранит қоп-

ланган пойдевор қисмини кўрсатиб. — Олдин ўрнатилган қопламалар тўқилиб, кўримсиз бўлгани учун уларнинг ҳаммасини алмаштириб, янгиллаб чиқдик. Ганч-таъмирлаш ишларини «Ижод-юксалиш» масъулия-ти чекланган жамиятининг маҳоратли усталари бажаряпти.

— Таъмирлаш ишлари қачон якунланади, ҳар ҳолда, томошабинлар театри соғиниб қолишди?

— Аввало шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмачи, «Трест-12» ҳиссадорлик жамияти умумий қурилиш бўйича бош пудратчи қисобланади. Саҳна, чирок, товуш акустикаси жиҳозлари, кўтариб-тушириш ускуналарини ўрнатиб, ишга туширадиган асосий пудратчи — «Азия Денкрайзер» фирмаси. «Ташпромхолод» фирмаси совутиш ва театрнинг барча зал ҳамда фойеларига ҳаво узатиш тизимини ўрнатиш билан шуғулланыпти. Таъмирлаш ишлари бошлангандан буён 250-300 нафаргача қурувчи тинимсиз меҳнат қилляпти.

— Ишнинг охири кўри-ниб қолдимми?..

— Асосий иш битган. Театр томидаги ёғоч тўсиқлар ўрнига металлоконструкция ўрнатилиб, зангламайдиған туңука билан қоплаб чиқилди. Театр



маъмурий-маиший биноси қурилиши академик Шусев лойиҳаси асосида Иккинчи жаҳон урушидан олдин бошланган. Уруш пайти тўқатилиб, 1944 йил давом эттирилган. Бинонинг урушдан олдинги даврда қурилган қисми пойдеворига пишқ қиш терилган, 1944 йилдан қолган қисмига бетон пойдевор қўйилган. Биз ана шу қиш терилган қисмини замонавий технология асосида бетон пойдевор билан мустаҳкамладик.

Бош муҳандис билан театрининг томоша залига кирамиз.

— Мана бу улкан қандилни кўрапсизми? — деди у. — Темир ўймакорлиги билан ишланган бу ноёб гулдор қандилга 200 та чирок ўрнатилган. Театр залларидаги темир ва ганч ўймакорлиги асосида ишланган эллика яқин ана шундай бири-бирига ўхшамаган, ноёб катта-кичик қандиллар усталар томонидан қайта таъмирлаб чиқилди. Театр шифтлари таъмирланди, барча заллар

янги паркет пол билан қопланди.

Москвдаги Акустика тадқиқотлари институти мутахассислари тавсиясига биноан томоша залидаги ҳамма ўриндиқлар ўзгаририлляпти, буюртма бериб қўйилган.

Асосий ўзгариш саҳнада бўляпти. Илгари томоша давомида 5-6 нафар хизматчи саҳна декорацияларини арқон билан чиқариб-тушириб сарсон бўлишарди. Энди буларнинг ҳаммаси замонавий технология ва компьютер дастурлари асосида амалга оширилади. Саҳна чирокларини қандай ёритиш, декорацияларни чиқариб тушириш, саҳна рельефини ташкил қилиш — буларнинг ҳаммаси битта туғмачани босиш орқали ҳал қилинади.

Саҳна орқасига 2 метрга 14 метр узунлиқдаги кўтариб тушириладиган иккита платформа, ўрта қисмига 6 та бир квадрат метр сигимдаги туйиқлар ўрнатилди. Буларнинг барчаси режиссёр фантазияси, томоша таъсирчанлиги учун қулайлик яратади.

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди — оркестр ўтирадиган жойга ўрнатилган платформа концерт пайтида кўтарилиб, тугагандан кейин тушади. Илгари бу саҳна ишлари металлоконструкция ёрдамида, қўл кучи билан бажариладди...

Томоша залида турибмиз, салқин шабада уфуряпти.

— Тоза ҳаво тўлкинини сезяпсизми? — сўради бош муҳандис. — Олдинги ҳаво алмаштириш ўтган асрнинг 70-йилларида ўрнатилган бўлиб, томоша залини зўрға таъминларди. Ҳозир унинг ўрнига Франциянинг «Siat» фирмаси ҳаво алмаштириш ускуналарини ўрнатилди, бу театрининг ҳамма хоналарини тоза ҳаво билан таъминлайди. Шу билан бирга энергия сарфи жуда тежамли. Янгидан ўт ўчириш, ёнгиндан хабар бериш тизими ўрнатилди.

Саёҳатимиз давом этиб, Ўзбекистоннинг машҳур меъморлари томонидан ганчкорлик, ўймакорлик, турли нафис нақши нигорлар билан

ишлов берилган, ҳақиқий санъат кошонаси сифатида ҳар қандай одамнинг ақлини лол қолдирадиган, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива меъморчилик йўналишининг юксак намуналари акс этган залларини айланамиз. Уларнинг барчасида «Ижод-юксалиш» МЧЖнинг моҳир уста ва устоздалари бу нозик санъат намуналарининг тарҳини бузмасдан, жуда эҳтиётлик билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Бош муҳандис билан театрининг маъмурий-маиший қисмига ўтамиз.

— Маъмурий бино хизматчилари, артистлар учун илгари атиги 250 ўринлиқ жой бор эди, ҳолбуки улар сони бундан икки баравардан кўпроқни ташкил қилади, — дейди суҳбатдошим. — Шунинг учун барча имкониятларга эга бўлган, 600 ўринга мўлжалланган жой қилинди, гримёркалар сони 30 тадан 43 тагача кўпайтирилиб, душхона қурилди, қўл ювиш жиҳозлари ўрнатилди.

— Театр артистлари ҳам таъмирлаш ишлари нийоясига етишини сабр-сизлик билан кутаётган бўлса керак?

— Кутганда қандай! Ҳозир улар «Туркистон» саройида спектакллар беришляпти, — дейди Қобилжон Собиржонов. — Деярли ҳар куни улардан кимдир келиб қурилишдан хабар олади. «Қачон битади?» Ҳамманинг оғзида шу гап. Битиши билан қанот боғлаб, учиб келишди! Насиб бўлса, театр шу йилнинг сентябрь ойларига бориб, ўз мухлис-ларини бағрига чорлайди, деган умиддамиз...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАР

■ Шу кунларда Хитойда енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати қизгин давом этмоқда.



Светлана Радзивил — Осиё чемпиони!

Мусобақанинг дастлабки куни ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Аёллар ўртасида баландликка сакраш бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Светлана Радзивил мутахассислар ишончини оқлади. Бунгача ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Гуанчжоу (2010 йил) ва Инчон (2014 йил)да ўтган ёзи Осиё ўйинларида голибликни қўлга киритган моҳир спортчимиз медалларни жамғармасини яна бир соврин билан бойитди. Светлана қизча чемпионатда баландликка сакраш бўйича энг юқори (1 м. 91 см.) натижани кайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир истеъдодли спортчимиз Екатерина Воронина ҳам баҳсларни ишончи бошлади. Еттикураш бўйича ўтказилган мусобақада у ядро улоқтиришда 12 метру 84 сантиметр натижа билан иккинчи кўрсаткични кайд этди. 200 метр масофага югуришда 25,66 сония натижа билан олтинчи бўлиб марра чизганини кесиб ўтди. Айни пайтда Екатерина Воронина еттикурашнинг тўртта турида иштирок этиб, 3302 очко жамғарган ҳолда иккинчи ўринда бормоқда.

Мусобақалар давом этмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ТАДБИР

■ Самарқандда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Ашула ва рақс ансамбллари» кўрик-танловининг иккинчи якуний босқичи ўтказилди.

Истеъдодлар кашф этилди

Унда ҳудудий босқичларда голибликни қўлга киритган ўндан ортиқ ашула ва рақс ансамбли иштирок этди.

— Ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган мазкур танлов аввалгиларидан фарқ қилади, — дейди ҳайрат раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Темур Махмудов. — Ансамбллар танловга юқори савияда тайёрларли кўрган. Танланган асарлар икки муҳорати ҳамда саҳна либослари билан чекланмаган, бошқа ҳолатларга ҳам эътибор берилган. Ҳали жамоалар гала концертга тайёрларли кўриш вақтида уларга мутахассислар томонидан мастер класс дарслари ўтилди, ўзаро тажриба алмашилди. Кўрик-танлов истеъдодли ёш санъаткорларни кашф этди.

Хусан Файзуллаев, Самарқанд вилоят «Афросиё» ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари:

— Танловга мумтоз асарларимиздан «Насри уззол», «Ял-яли», «Хуш келибсиз», маҳаллий бастакорларимиз асарларидан «Нарғиз»

қўшиқлари ҳамда «Рохат» куйи рақсини тақдим этдик. Ашула ва рақс ансамбли фаолиятида ашулачилар, чолғучилар ва раққосалар бир-бирига уйғун ҳолда асарни томошабинга ҳавола этади. Биз асосий эътиборни шунга қаратдик ва танловда биринчи ўринни қўлга киритдик.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Самарқанд вилоятининг «Афросиё» ашула ва рақс халқ ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди. Қорақалпоғистон Республикасининг «Шўғла», Қармана туманининг «Гули» ашула ва рақс халқ ансамбллари лойиқ деб топилди. Танлов якунида голиб ва совриндорлар ижросида гала-концерт бўлиб ўтди.

Аброр МЕЛИБОВЕВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим мудири.

РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

2015 йил 7, 9, 14 ва 16 июль кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади

Савдоларга, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилади:

№	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«Urg tex» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 7/3	Ип-калава ишлаб чиқариш	8 084 080 000	3 442 934,90
2.	«Coinot and Co» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-Б-й	Умумий овқатланиш	361 513 000	150 075,50

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо голиби улушнинг сотиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблагини савдо ўтказилгандан сўнг, бунак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти, ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблаглар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигиға фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмилилийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати

«Urg tex» МЧЖ учун 5 (беш) йилдан ва «Coinot and Co» МЧЖ учун 3 (уч) йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурташ билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилот-чисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилот-чисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзга келадиган бошқа харажатлар харидор маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳнома-си) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган «Urg tex» МЧЖдаги улуш бошланғич нарҳининг 1 фоизи миқдорида ҳамда «Coinot and Co» МЧЖдаги улуш бошланғич

нарҳининг 15 фоизи миқдорида закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб та-нишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357